

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ БИЛАН ЎТКАЗИЛГАН ТАРИХИЙ УЧРАШУВ МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 октябрь куни касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашув ўтказди.



Давлатимиз раҳбари ўз нутқида касаба уюшмалари ҳаракати аъзоларига ўзининг юксак ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирди, ҳар бир корхона ва ташкилотта ишчанлик муҳитини, меҳнат жамоаларига рағбат ва адолат руҳини олиб кираётгани учун миннатдорлик билдирди.

— Биз бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида улкан марраларга интилиб, деди Президент.

Саккиз йилда иқтисодий ҳаётимизда 130 миллиард доллар инвестиция кириб келгани, минглаб янги қувватлар ишга

таъминлашга маҳкам бел боғлаганмиз. Бу борада меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз, ҳар бир юртдошимизнинг ўрни, қўшаётган ҳиссаси беқиёс, — деди Президент.

Саккиз йилда иқтисодий ҳаётимизда 130 миллиард доллар инвестиция кириб келгани, минглаб янги қувватлар ишга

таъминлашга маҳкам бел боғлаганмиз. Бу борада меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз, ҳар бир юртдошимизнинг ўрни, қўшаётган ҳиссаси беқиёс, — деди Президент.

Саккиз йилда иқтисодий ҳаётимизда 130 миллиард доллар инвестиция кириб келгани, минглаб янги қувватлар ишга

Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ ВА ФАХРИЙЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар, муҳтарам меҳмонлар!

Ҳурматли касаба уюшмалари фахрийлари ва фаоллари!

Сизлар билан мана шундай самимий, кўтаринки кайфиятда кўришиб турганимдан хурсандман.

Барчангизга, касаба уюшмаларининг кўп миллионли аъзоларига ўзимнинг юксак ҳурмати ва эзгу тилаklarини билдирман.

Биз бугунги кунда ўз олдимизга улкан марралар кўйиб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидан олдинга қараб дадил қадам ташляямиз.

Дунёда геосиёсий ва иқтисодий кескинлик авж олиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда юртимизда тинчлик ва хотирjamлиқни мустаҳкамлаб, кўп миллатли халқимиз ҳаётини янада яхшилашга маҳкам бел боғлаганмиз.

Булар, албатта, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Қанчалик қийин бўлмасин, биргаликда қаттиқ меҳнат қилиб, турли синов ва машаққатлардан муносиб тарзда ўтиб бормоқдамиз. Бу борада меҳнаткаш ва бағри-

кенг халқимиз, ҳар бир юртдошимизнинг ўрни, қўшаётган ҳиссаси беқиёс, албатта.

Бугунги даврамизда ўз ҳаётини инсон меҳнатини, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдек эзгу ишга бағишлаган, соҳада узоқ йиллар самарали хизмат қилиб, ҳурмат ва эътибор топган кўплаб одамларни кўриб турибман.

Инсон меҳнати, унинг кадр-қиммати қандай бебаҳо бойлик эканини сизлар ҳаммадан кўра яхши биласиз.

Юртимизда халқпарвар, ижтимоий давлат қуриш, инсон қадрини улуглаш барча ислохотларимизнинг бош мақсадига айланган ҳозирги кунда сиз, азизларнинг бой билим ва тажрибангиз биз учун жуда муҳим.

Фурсатдан фойдаланиб, ҳар бир корхона ва ташкилотга — ишчанлик муҳитини, меҳнат жамоаларига — рағбат ва адолат руҳини олиб кираётган касаба уюшмалари фаолларига чин дилдан миннатдорлик билдирман.

Азиз дўстлар!

Улуғ маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Беҳбудий: **“Биз ўз ҳаётимизни**

ўзгартирмоқчи бўлсак, аввало, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини тан олишни ўрганишимиз керак”, деган эди.

Бу — ҳақ гап. Чиндан ҳам, ҳуқуқ ва эркинликлар таъминланган, одамлари эмин-эркин яшаб, меҳнат қилиб, даромад топадиган мамлакатда давлат ҳам, жамият ҳам албатта ривожланади. Шу боис, биз ислохотларни бошлаган илк кунлардан **“Инсон қадрини унутман”** деган эзгу гояни амалга ошириш учун, аввало, иқтисодий-ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни устувор вазифа сифатида белгилаб олдик.

Бу йўлдаги саъй-ҳаракатларимиз туфайли саккиз йилда иқтисодий ҳаётимизга 130 миллиард доллар инвестиция кириб келди, минглаб янги қувватлар ишга туширилди, миллионлаб доимий иш ўринлари яратилди.

Хусусий секторга кенг йўл очиб, чин юракдан ишлайман деган одамларга муносиб меҳнат шaroитини яратиб берганимиз учун жон бошига даромад 3,5 минг долларга етди.

Ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, кафолатланган ижтимоий ҳимоядан

фойдаланиши учун мустаҳкам қонуний асослар яратдик. Айниқса, янгиланган Конституциямиз, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилингани бу йўналишдаги муҳим қадамлар бўлди.

Парламентимиз ҳузуридаги Жамоатчилик эксперт кенгашлари таркибига касаба уюшмалари вакиллари ҳам киритилди. Бу эса қонунларни қабул қилишда ходимлар манфаати янада ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳам биз учун етакчи йўналиш бўлиб қолмоқда. Ижтимоий институтларни қўллаб-қувватлаш ҳамми 2017 йилга нисбатан 100 карра ошиб, бу йил 1 триллион 200 миллиард сўмга етди.

Айни вақтда фуқаролик жамияти институтлари фаолияти аралашгани, жамоатчилик назорати натижаларини кўриб чиқмагани учун жавобгарлик белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, миллий ҳуқуқ тизимимиз халқаро стандартларга мослашиб, инсон ҳуқуқлари, фуқаролик жамияти

институтлари фаолиятининг барқарор кафолатига айланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларини қабул қилаётган энг фаол давлатлар сафидан жой олаётгани дунё ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Эътибор беринг, саккиз йил олдин ушбу ташкилотнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган ҳужжатлари сони 12 та бўлган бўлса, ҳозирги кунда 25 тага етди.

Ҳар бир ратификация орқали Ўзбекистон ўз зиммасига катта мажбурият олмоқда.

Нима учун ҳеч иккиланмасдан ўзимизга бундай улкан масъулиятни оляпмиз?

Чунки барча ислохотларимиз замирида инсон қадрини улуглаш мужассамдир. Ва бу — мамлакатимиз қўшилаётган халқаро ҳужжатлар мазмунини билан тўла ҳамоҳангдир.

Айнан инсон қадрига эътибор — барча ютуқларимиз асоси, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз!

Қадрли дўстлар!

Бир эслаб кўринг, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш

узоқ йиллар биз учун энг оғриқли масала бўлиб келган эди. Фақат кучли ирода, қатъий позициямиз орқали биз бу мураккаб муаммони ижобий ҳал қилдик.

Янги Ўзбекистоннинг инсонпарварлик тамойилларига содиқ эканини кўрсатадиган бу ўзгариш ижтимоий ҳаётимизда мутлақо янги саҳифа очмоқда. Мамлакатимизнинг болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича илгор тажрибаси Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан намуна сифатида бошқа давлатларга тавсия этилгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбек пахтаси дунёдаги кўплаб нуфузли бренд компанияларнинг “қора рўйхати”дан чиқарилди. Cotton campaign ташкилоти Ўзбекистонга қўйилган таққини бутунлай бекор қилди. Европа Иттифоқи Ўзбекистонга ушбу сиёсий тузилма давлатлари бозорига имтиёзли кириб бориш имконини берадиган GSP+ тизимини тақдим этди. Миллий маҳсулотларимиз учун 26 та янги бозор очилди, Европада экспортимиз 5 карра ошиб, 1,5 миллиард долларга етди.

Давоми 2-бетда

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ БОШҚАРУВДАГИ САЛОҲИЯТИ СТРАТЕГИК ФИКРЛАШИ, МУЛОҚОТ МАҲОРАТИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Бугун жаҳон интеграцияси, рақамли трансформация ва жамият эҳтиёжларининг тез суръатда ўзгариши давлат бошқаруви тизими олдида янги вазифаларни қўймоқда. Шу маънода, давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини таъминлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва хизматчиларнинг касбий кўникмаларини мунтазам такомиллаштириб бориш стратегик аҳамиятга эга.

Давлат хизматчилари нафақат касбий билимга, балки замонавий бошқарув усуллари, рақамли технологиялар ва ахборот технологияларидан самарали фойдаланиш борасида ҳам зарур кўникмаларга эга бўлиши лозим. Мамлакатимизда давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг институционал тизими босқичма-босқич янгиланиб, корпоратив таълим механизмларига асосланган илгор амалиётлар жорий этилмоқда.

Бу йўналишда, хусусан, малака ошириш тизими муҳим аҳамият касб этади. Унда хизматчилар билим ва кўникмаларини ривожлантириш билан бирга замонавий талабларга мослаштирилади. Бугунги замонавий назарияларга кўра, давлат

хизматчиси стратегик фикрлаш ва қарор қабул қилиш кўникмалари, мулоқот ва жамоатчилик билан ишлаш маҳорати, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш, халқаро тажрибани ўрганиш ва қўллаш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Мамлакатимизда давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, соҳада ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги фаолияти йўлга қўйилганидан сўнг ушбу йўналиш янги босқичга кўтарилди.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг билим ва кўникмасини, соҳага доир тажрибасини ошириш амалиёти йўлга қўйилди. Айни пайтда

ҳар бир ташкилот йил давомида босқичма-босқич, белгиланган режа асосида ходимларининг малакасини ошириб келмоқда.

Агентлик ахборот хизматининг қайд этишча, давлат фуқаролик хизматчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида Франция, Финляндия, БАА, Туркия, Хитой, Сингапур, Ирландия, АҚШ, Польша, Германия, Жанубий Корея, Россия каби давлатларнинг узлуксиз таълим, стажировка, раҳбарлик кўникмаларини ривожлантириш ва самарадорлиқни баҳолаш каби тажрибаси ўрганилган ҳамда миллий стратегиямизга мослаштирилган.

Давоми 3-бетда

21 октябрь – Ўзбек тили байрами кuni

6

ONA TILI

ADABIYOT

ONA TILI

ONA TILI

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИНИНГ БОШҚАРУВДАГИ САЛОҲИЯТИ

СТРАТЕГИК ФИКРЛАШИ, МУЛОҚОТ МАҲОРАТИ БИЛАН БЕЛГИЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

Вазирлик ва идоралар бошқарув кадрлари учун ҳар йили агентлик томонидан шакллантирилган рўйхат асосида Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида раҳбарлик ва бошқарув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган қисқа мuddатли курслар ташкил этилмоқда. Жумладан, 2023-2024 ва 2024-2025 ўқув йилларида академияда 6000 нафар бошқарув кадрларининг малакаси оширилди.

Шу билан бирга, агентлик томонидан вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидаги раҳбарлик лавозимлари учун заҳира кадрларни мақсадли тайёрлайдиган махсус ўқув дастурлари йўлга қўйилган. Хусусан, “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” дастури Германиянинг Бавария давлат бошқаруви мактаби билан, “Келажақ лидерлари” дастури Корейя Республикасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш миллий институти билан, “Раҳбар аёллар мактаби” дастури Оила ва хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда вазирлик ҳамда идоралардан сараланган номзодлар учун ташкил этилди.

Айни пайтгача “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” дастурини 49, “Келажақ лидерлари” дастурини 332, “Раҳбар аёллар мактаби” дастурини 243 тингловчи муваффақиятли якунлади.

Давлат фуқаролик хизматчиларининг билим ва кўникмасини илгор хорижий давлатлар тажрибаси асосида ошириш, соҳадаги янгиликлар билан яқиндан таништириш мақсадида агентлик томонидан чет элга стажировкалар ташкил этилмоқда. Шунингдек, давлат бошқарувидаги сўнгги тенденцияларни муҳокама ва таҳлил қилиш учун юқори илмий салоҳият, катта амалий тажрибага эга хорижий мутахассислар иштирокида ўқув семинарлари ўтказилмоқда.

Хусусан, 2024-2025 йилларда 200 дан зиёд давлат фуқаролик хизматчилари учун Германия, Франция, Хитой, Жанубий Корейя, Туркия, Россия, БАА, Озарбайжон ва бошқа давлатларга 30 дан ортиқ стажировка ташкил этилди. АҚШнинг Колумбия университети, Сингапурнинг Ли Куан Ю номидаги Давлат сиёсати мактаби, Россия Федерацияси Президенти хузуридаги Россия халқ ҳужалиги ва давлат хизмати академияси, Германиянинг Бавария давлат бошқаруви мактаби ва бошқа таълим муассасаларининг етук профессор-олимлари ҳамда экспертлар иштирокида 10 дан ортиқ ўқув-семинар, тренинг бўлиб ўтди.

Давлат хизматчиларининг мустақил таълим олиши учун имконият яратиш мақсадида агентликнинг edu.bsa.uz масофавий таълим платформаси ишга туширилган. Айни дамда платформада 7 та асосий курс мавжуд. Уларда 100 мингга яқин иштирокчи рўйхатдан

ўтиб, сертификатга эга бўлди. Платформада “Сиёсий-маърифат соати”, “Эксперт қабул-хонаси”, “Ибрат фарзандлари” ва “Мутлола” каби рухлар остида мустақил таълим учун контентлар жойлаштирилган.

Аҳамиятлиси, малака ошириш жараёни фақат анъанавий лекция ва семинарлардан иборат эмас. Улар интерактив усуллар, кейс-стади, симуляция ва лойиҳа менежментига асосланган ўқув формати билан бойитилмоқда. Бу эса давлат хизматчиларининг таҳлил, стратегик қарор қабул қилиш, жамоа билан ишлаш ва мулоқот кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга, давлат хизматчилари малакасини ошириш тизимида индивидуал таълим траекторияси тамойили амалиётга татбиқ этилмоқда. Бунда ҳар бир хизматчи ўз лавозими, вазифалари ва истиқболдаги касбий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўқув дастурини танлай олади. Бу ёндашув персоналлаштирилган таълимни таъминлаб, малака ошириш самарадорлигини кучайтиради.

Бугун малака ошириш тизимида асосий эътибор натижага йўналтирилган ёндашувга қаратилмоқда. Давлат хизматчиси ўқув курсини якунлаганидан кейин унинг билим ва кўникмалари компетенция асосида баҳоланади, яъни назарий билим эмас, балки амалий қўллаш қобилияти асосида ўлчанади. Шунингдек, КРП тизими асосида малака ошириш таъсири хизматчининг кейинги фаолиятида акс эттирилади. Хизматчи олган билиминини иш жараёнида қўллаши, ташаббускорлиги ва натижавийлиги орқали баҳоланади. Бундай ёндашув малака ошириш жараёнини шаклан эмас, балки мазмунан самарали қилиш, давлат хизматининг замонавий моделини шакллантиришга хизмат қилади.

Кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими

Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 майдаги, шунингдек, 2025 йил 19 июндаги тегишли фармонлари билан тубдан ўзгарди. Мазкур ҳужжатлар давлат фуқаролик хизматчиларининг билим ва кўникмалари, соҳада доир тажрибасини ошириш ҳамда давлат хизматининг инсон ресурсларини бошқариш тизими билан институционал интеграциялаштириш бўйича муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Жумладан, агентлик Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан доимий ҳамкорлик асосида давлат хизматлари учун кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини жорий этди. Бу бошқарув тизими доирасида кадрларнинг соҳага оид кўникмаларини ривожлантириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ва



инновацион тафаккурни шакллантиришга қаратилган **корпоратив таълим моделлари** амалиётга татбиқ этилмоқда.

Шунингдек, агентлик давлат хизматчиларида ривожлантириш талаб қилинадиган билим ва кўникмаларни тизимли ўрганиш, уларни мақсадли тайёрлаш ва стратегик кадрлар захирасини шакллантириш бўйича масъул этиб белгиланди.

Мазкур ҳужжатлар доирасида қатор муҳим механизм ва институционал ўзгаришлар белгиланди. Биринчидан, энди агентлик томонидан Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим дастурларида тахсил оладиган давлат хизматчилари контингенти шакллантирилади.

Иккинчидан, 2025 йилдан бошлаб давлат органлари ва ташкилотларидаги давлат хизматчиларининг соҳага оид билиминини бойитиш ҳамда “Ёрдамчи” гуруҳига мансуб давлат хизматчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўз тизимидаги ёки тегишли соҳа ва тармоқдаги қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида (институтларида) ташкил этилади.

Учинчидан, “Сиёсий” ва “Бошқарув” гуруҳларига мансуб давлат хизматчиларининг раҳбарлик ва бошқарув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган қисқа мuddатли курслар агентлик томонидан шакллантирилаётган контингент асосида Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясида ўтказилади.

Фармонга мувофиқ, 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб давлат гранти асосида академияда ҳар йили 7000 давлат фуқаролик хизматчиси учун малака ошириш курслари йўлга қўйилади. Мазкур контингентга вазирлик ва идораларнинг бошқарув кадрлари ҳам кирилади.

Тўртинчидан, агентлик буюртмасига асосан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси давлат хизматчиларининг хориждаги давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган мақсадли стажировкасини уюштиради.

Бешинчидан, 2026 йил 1 январдан бошлаб вазирлик ва идоралар томонидан ходимларни хорижда ўқитиш, тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда стажировкасини ташкил этиш, жумладан, грантлар ёки донорлар маблағи ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида давлат хизматчиларини ўқитиш, тайёрлаш, малакасини ошириш ҳамда стажировкаси билан боғлиқ тадбирлар мажбурий тартибда агентлик билан келишилгандан сўнг амалга оширилади.

Олтинчидан, ҳар йилнинг 1 февралига қадар вазирликлар, идоралар ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлил марказлари кадрлар тайёрлашга эҳтиёжлар тўғрисида лавозим ва йўналишлар кесимида, танланган мудоделарнинг стажировкасини ташкил қилиш мумкин бўлган хорижий ташкилотлар ва стажировка мuddати

бўйича асослантирилган маълумотларни, шунингдек, номзодлар стажировкани тамомлагач, бажарадиган вазифалари ва эришиши лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар рўйхатини агентликка тақдим этади.

Еттинчидан, тармоқ йўналишлари бўйича стажировка дастурининг хорижий мамлакатлар кесимидаги квоталари ҳар йили вазирлик, идора ва иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари, шунингдек, етакчи олий таълим муассасалари, тадқиқот ва таҳлил марказлари маълумотлари ҳамда агентлик тақлифлари асосида “Эл-юрт умиди” жамғармаси бошқарув кенгаши томонидан белгиланади ҳамда ҳар йили 1 апрелга қадар агентлик томонидан ўтказиладиган танлов натижалари асосида голиблар аниқланади.

Саккизинчидан, стажировка ташкил этиладиган хорижий ташкилотлар ва стажировка мuddати буюртмачилар, агентлик ва “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан белгиланади.

Тўққизинчидан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси маблағи ҳисобидан мақсадли стажировкани ўтаган мутахассислар ва ўқишни якунлаган стипендиатларнинг қайтгандан сўнг хорижда олган илгор назарий билим ва тажрибаларини амалиётга жорий этиши ҳамда хизмат бўйича ўсишига зарур шароитлар яратиш боришга тегишли вазирлик, идора, иқтисодиёт тармоқларининг стратегик корхоналари ва бошқа иш берувчи ташкилотлар раҳбарлари масъулдир. Мазкур жараён агентлик томонидан мувофиқлаштирилади ва мониторинг қилиб борилади.

Оилавий мажбуриятларни уйғунлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқдим

Дилшоҳон МУҲАММАДЖОНОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бош мутахассиси:



— 12 йилдан буён давлат хизматида фаолият юритаман. Франциянинг Давлат хизмати миллий институтида “Лидер аёллар” дастури доирасида малака оширганман.

Франциядаги стажировкам давомида инклюзив лидерлик ва гендер тенглик соҳасида назарий ва амалий билимларни эгаллаб, уларни Тошкент давлат иқтисодиёт университетидаги ўқув жараёнига татбиқ этдим. Мазкур ва амалий машғулотларимда давлат бошқарувида гендер ёндашув, аёлларнинг қарор қабул қилишдаги роли ҳамда инклюзив лидерлик концепцияларига эътибор қаратдим. Бу орқали талабалар адолат,

тенг имконият ва инсонпарвар бошқарув тамойилларига замонавий назар билан ёндашиш кўникмасига эга бўлди. “Ўзармасаноат” уюшмаси тизимида гендер сезгирлик,

раҳбар аёллар салоҳиятини ошириш ва хориж тажрибасини жорий этиш бўйича семинар ва тақдиротлар ўтказдим. Франция тажрибасидан келиб чиқиб, кейс-таҳлил ва рефлексия усулларини қўлладим. Шунингдек, меҳнат билан банд фарзандли аёллар, айниқса, ногиронлиги бўлган боласи бор оналари ижтимоий сугурта орқали қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнат ҳамда оилавий мажбуриятларини уйғунлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқдим. Бу ташаббуслар ташкилот раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди ва амалиётга қўллаш жараёни давом этмоқда.

Келгусида ҳам аёллар лидерлигини рағбатлантириш, фарзандли оналарни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва инклюзив таълимни ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширомоқчиман. Хотин-қизларнинг бошқарув ва иқтисодий жараёнларда фаол иштироки самарали ривожланиш гаровидир.

Мақсадим — замонавий билимга эга янги авлодни тарбиялаш

Наргиза ХОЛБОВА, Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи:



— 2024 йилда “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” қўшма таълим дастурига старт берилди. Мазкур дастурда ҳудудлардан келган 55 тингловчи қатори мен ҳам малака оширдим. 17 ҳафталик ўқув дастури доирасида академияда назарий машғулотлар билан бирга Гулистон тумани ҳокимлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигида стажировка ўташ имконига эга бўлдим. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимият тизими, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурлари, аҳоли муаммоларини ҳал этиш, стратегик режалаштириш ва бошқарув жараёнларини чуқур ўргандим.

Дастур доирасида ҳар бир тингловчи ўз ҳудудини ривожлантириш бўйича икки драйвер соҳани белгилаб, 2025-2029 йилларга мўлжалланган стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқди. Мен “Тулистон туманида Сирдарё

дарёси бўйлаб туристик зона ташкил этиш” мавзусидаги лойиҳамни тайёрлаб, муваффақиятли ёқладим. Таълим дастури натижаларига кўра, Германияда малака ошириб қайтдим.

Стажировкадан сўнг ўзим фаолият юритаётган бошқармада қатор ўзгаришларни амалга оширдим. Ходимлар учун малака ошириш курслари ташкил этилди, раҳбарлик лавозимлари учун заҳира кадрлар базаси яратилди. Ёшлар билан ишлаш йўналишида волонтерлик гуруҳлари тузилиб, турли ижтимоий ва таълим лойиҳалари йўлга қўйилди. Шунингдек, немис тилини ўқитишни кенгайтириш бўйича ташаббусни амалга оширдик. Ҳозир вилоятдаги 11 та мактабда иккинчи хорижий тил сифатида немис тили ўқитилмоқда.

“Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” дастури мен учун катта тажриба майдони бўлди. Ушбу дастур орқали стратегик фикрлаш, жамоа бошқаруви ва ҳудудий ривожланишга оид илгор ёндашувларни ўзлаштирдим. Асосий мақсадим Сирдарё вилоятида таълим тизимини сифат жиҳатдан янги bosқичга олиб чиқиш, замонавий билим ва кўникмаларга эга янги авлодни тарбиялашдир.

Аниқ режалаштириш — асосий тамойил

Умиджан МАТИРЗАЕВ, Беруний тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари, иқтисодиёт ва молия бўлими бошлиғи:



— 2025 йил март ойида “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” дастури доирасида Германияда малака оширдим. Стажировкам давомида давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият тизими, аграр сиёсат, жамоат бошқаруви ва ахборот сиёсати соҳалари бўйича янги билим ва амалий кўникмаларни эгалладим. Бавариядаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими, туман ва шаҳар маъмуриятлари фаолияти ҳамда фуқаролар билан ишлаш усуллари билан танишдим. Маҳаллий бюджетни бошқариш, иқтисодий ривожлантириш ва “ашил” энергетикани ривожлантириш бўйича Германия тажрибаси мен учун жуда фойдали бўлди. Шунингдек, жамоатчилик билан очик мулоқот ва ахборотни ошкора етказиш борасидаги илгор амалиёт фаолиятига янги ёндашув олиб кирди.

Стажировкадан сўнг фаолиятимда тизимли бошқарув, аниқ режалаштириш ва масъулиятни тақсимлаш

тамомийларини жорий этдим. Иқтисодий таҳлил ва режалаштириш самарадорлиги ошди, жамоатчилик билан очик мулоқот маданияти мустаҳкамланди, шахсий ташаббускорлик ва натижага йўналтирилган иш услуби шаклланди.

Келгусида мамлакатимиздаги ислохотлардан самарали фойдаланиб, туман иқтисодий салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Профессионализм, самарадорлик ва ҳисобдорлик

Мубашшир АДҲАМОВ, Наманган вилояти инвестициялар, саноат ва савдо бошқармаси бошлиғи ўринбосари:



— Бугун давлат хизматчиларининг малакасини ошириш тизими янги мазмун-моҳият касб этди. Соҳада рақамли трансформация жараёни амалга оширилиб, давлат фуқаролик хизматчилари учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, бугунги давлат хизматчилари edu.argos.uz платформаси орқали онлайн малака ошириш имкониятига эга. Бу улар учун билим ва кўникмаларини узлуксиз ривожлантириб бориш, функционал компетенцияларини яхшилаш ва профессионал мобилликни таъминлаш имконини бермоқда.

Шунингдек, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунда малака ошириш давлат хизматчисининг мажбурий вазифаси сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу норма давлат бошқарувида профессионализм, самарадорлик ва ҳисобдорликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди ҳамда хизматчиларнинг шахсий ривожланиши учун барқарор институционал муҳитни шакллантирди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 июндаги “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида ташкил этиш ҳамда профессионал ва

натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, давлат хизматчилари учун қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларининг ўқув режа ва дастурлари давлат органларининг тақлифлари ҳамда соҳавий эҳтиёжлар асосида доимий янгиланиб бориши белгиланди. Бу жараён давлат хизматчилари учун компетенцияга асосланган таълим моделини амалиётга жорий этиш, инсон капиталини ошириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

2024 йилда Давлат сиёсати ва бошқаруви академиясининг “Ҳокимликка тайёрлаш мактаби” қўшма таълим дастури доирасидаги махсус ўқув курсини якунладим. Ўқув жараёнида замонавий давлат бошқаруви методологияси, натижага йўналтирилган фаолият тизими, стратегик менежмент, ахборот-коммуникация технологияларини бошқарув жараёнларига интеграция қилиш ҳамда Германия бошқарув тизими тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу орқали менда илмий ёндашув, стратегик фикрлаш ва инновацион қарор қабул қилиш кўникмалари янада мустаҳкамланди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Лутфулла СУВОНОВ тайёрлади.

Юксалиш палласи

ГЕОЛОГИЯ МАКТАБИ ТАРАҚҚИЁТИ:

АНЪАНА, ИСЛОХОТ ВА ИСТИҚБОЛ

Юртимиз геологик жиҳатдан бой мамлакат сифатида дунё харитасида ўз ўрнига эга. Олтин, уран, мис каби стратегик металллар бўйича етакчи ўринларда қайд этилган. Бугун эса бу салоҳиятни янги илмий ёндашувлар орқали янада кенгайтириш, чуқур қатламлардаги конларни аниқлаш ва ишлаб чиқаришга йўналтириш вазифаси турибди.

Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти шу мақсад йўлида фаолият юритаётган йirik илмий масканлардан биридир. Институт ўз фаолиятида табиат жараёнларини фақат кузатиш эмас, балки уларни таҳлил этиш, моделлаштириш ва прогнозлаш даражасига олиб чиқди. Ер литосфераси тузилиши, минерал ресурслар шаклланиши қонуниятлари, чуқур структураларнинг ўзаро боғлиқлиги каби мураккаб масалалар бу даражада илмий аниқликка эга бўлмақда. Ер қобиғи тузилиши, фойдала қазилмалар пайдо бўлиш қонуниятлари, минерал-хомашё ресурсларини ўзлаштириш масалалари илмий таҳлил асосида ўрганилмоқда. Айнан шу йўналишдаги изланишлар иқтисодий стратегияларни шакллантириш, янги конларни аниқлаш ва ресурслардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга.

Натижадорликка қаратилган ривожланиш концепцияси

Институтнинг 2025-2030 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепциясида бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш кўзда тутилган. Унда фундаментал тадқиқотлар билан бир қаторда амалий лойиҳалар, халқаро ҳамкорлик дастурлари ва замонавий лабораториялар фаол ишламоқда. Ҳар бир лойиҳа мамлакат иқтисодиётига бевосита фойдала келтириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва энергия хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Энг муҳим йўналишлар Президентимизнинг 2016 йил 13 сентябрдаги “Ер қазрини геологик ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 1 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари асосида белгиланган.

Келгуси беш йиллик учун белгиланган концепция геологик тадқиқотларни замонавий технологиялар асосида чуқурлаштириш, минерал-хомашё базасини кенгайтириш ва чуқур конларни аниқлашга йўналтирилган. Мақсад аниқ; ер ҳақидаги фундаментал тадқиқотларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан уйғунлаштириш, излаш-баҳолаш жараёнларини илмий мезонлар орқали тезкор ва ишончли қилиш. Концепция геологик қидирувни ҳудудий даражада янги босқичга



қўтариш, 3D геологик-геофизик моделлар яратиш билан бирга, геохимёвий ва геофизик ёндашувларни янгилашни назарда тутди. Илмий натижаларни иқтисодиёт билан боғлаш механизмлари аниқ белгиланган. Концепция энергетика, саноат, сув ресурслари ва экологик барқарорлик йўналишларида геологик маълумотлар билан таъминлашни кўзлайди. Шу доирада илмий изланишлар, минтақавий геофизик тадқиқотлар ва геотермал ресурсларни баҳолаш ишлари бажарилмоқда. Бу лойиҳалар ресурс хавфсизлиги, экспорт салоҳияти ва ҳудудий ривожланиш учун амалий натижа беради.

Сўнгги йиллардаги натижалар режанинг амалга татиқ этилаётганини тасдиқлайди: давлат дастурлари, ҳўжалик шартномалари ва грантлар доирасида 40 дан ортқ лойиҳа бажарилди, шунингдек, магматик ва постмагматик жараёнлар бўйича моделлар, 3D блок моделлар, тематик хариталар яратилди, янги истиқболли майдонлар ажратилди. Бу ишланмалар геологик қидирувнинг аниқлигини оширади, излаш-баҳолаш босқичларида вақт ва харажатни камайтиради.

Илмий йўналиш ва амалий натижалар

Институт фаолиятининг бугунги манзарасида фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқадорлик кучайган. Тадқиқотларнинг асосий қисми амалий натижага қаратилган. Ер қобиғининг тузилишини чуқур ўрганиш, фойдала қазилма конларини излаш, ресурсларни баҳолаш ва қайта ишлаш тизимларини ишлаб чиқиш институт илмий дастурларининг марказида туради.

Кейинги йиллардаги изланишлар туфайли қатор янги истиқболли майдонлар аниқланган. Қизилқум, Букантов ва Чотқол ҳудудларида ўтказилган дала тадқиқотлари олтин, никель, литий, кўроғошин ва бошқа металллар бой қатламларини илмий жиҳатдан асослаб берди. Бу тадқиқотлар энергия барқарорлиги ва сув хавфсизлиги учун муҳим пойдевордир.

Геологик тадқиқотларда геофизика лабораториялари алоҳида ўрин тутди. Институтда гравиметрик, магнит-теллурик ва магнит қидирув усуллари асосида палеозой ётқизқилари мезозой ва кайнозой ётқизқилари билан қопланган ҳудудларда яширин маъданла-

шувни аниқлаш бўйича тадқиқотлар йўлга қўйилган. Шу асосда минтақавий геофизика лабораторияси Зирабулоқ тоғлари оралигидаги ботиклик ҳудудларида дала ишларини ўтказмоқда. Гляциал геология маркази эса музликлар мониторингини юритади, уларнинг массаси ва ҳаракатини кузатиш бўйича атлас ҳамда маълумотлар базасини шакллантирган. Бу тизим сув мувозанатини илмий асосда бошқаришга ёрдам бермоқда.

Муассасанинг илмий ёндашуви миллий иқтисодиёт учун бевосита фойда келтирувчи йўналиш сифатида муҳим аҳамият касб этади. Фойдала қазилма конларини аниқлаш, геологик рискларни камайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, сув ва энергия хавф-



сизлигини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар давлат сиёсатининг илмий таянчига айланган. Ҳар бир лойиҳа якунида ишлаб чиқилган натижалар инвестиция қарорларини қабул қилиш, янги конларни ўзлаштириш ва экологик мувозанатни сақлашда амалий асос бўлиб хизмат қилади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Фан ва амалиёт туташган нуқта

Жорий йил 10 октябрь куни муассасада академиклар И.Ҳамроевнинг 105 ва Ф.Усмоновнинг 90 йиллигига бағишланган “Геология, петрология ва металлогениянинг фундаментал ва амалий муаммолари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Конференция институт концепциясида қўзланган мақсадларни амалий босқичга олиб чиқди. Жумладан, геологик тадқиқотларни ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан боғлаш, минерал-хомашё базасини кенгайтириш, чуқур қатламларни излаш ва

тезкор ишлаб чиқаришга татиқ этиш йўллари таҳлил қилинди. Тадбир илмий мерос ва замонавий йўналишлар ўртасида узвийликни мустаҳкамлади. И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов яратган мактаблар — петрометаллогения, математик ва статистик геология, моделлаштириш ёндашувлари бугунги рақамли геология ҳамда геонформатика учун методологик асос бўлиб хизмат қилаётгани яна бир бор тасдиқланди. Шу таянчда институт янги изланишларни йўлга қўйди: минераллашув жараёни индикаторлари, чуқур яширинган конларни аниқлаш мезонлари, геодинамик моделларни аниқлаштириш бўйича қўшма ишлар йўлга қўйилди.

— Аввало, ушбу анжуман нафақат илмий мулоқот майдони, балки геология фанининг янги босқичдаги вазифаларини амалий ечимлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилувчи халқаро платформадир. Ҳозир Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт, саноатлашув ва инфратузилма лойиҳалари кенгайиши минерал-хомашё базасининг илмий асосда бойитилишини талаб қилмоқда. Шу нуқтан назардан конференциянинг долзарблиги бир неча жиҳатларда намоён бўлади, — дейди Геология ва геофизика институти директори, геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори Нурбек Инатов. — Биринчидан, илмий мерос ва замонавий технологиялар интеграцияси — академиклар И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов илмий мактаблари бугунги геология соҳасида инновацион ёндашувлар учун мустаҳкам методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг петрология, металлогения, математик таҳлил ва прогнозлаш бўйича ишлари ҳозир рақамли геология, геонформатика ва сунъий интеллект асосидаги тадқиқотларга бевосита замин яратмоқда. Иккинчидан, конференция ресурс хавфсизлиги ва иқтисодий мустақиллик масалаларига қаратилган. Бугунги глобал шароитда фойдала қазилмаларни излаш, баҳолаш ва қайта ишлаш стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу боис, анжуманда янги конларни аниқлаш, чуқур структуравий қатламларни ўрганиш, геологик ва геохимёвий таҳлилларни рақамлаш

тезкор ишлаб чиқаришга татиқ этиш йўллари таҳлил қилинди.

Тадбир илмий мерос ва замонавий йўналишлар ўртасида узвийликни мустаҳкамлади. И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов яратган мактаблар — петрометаллогения, математик ва статистик геология, моделлаштириш ёндашувлари бугунги рақамли геология ҳамда геонформатика учун методологик асос бўлиб хизмат қилаётгани яна бир бор тасдиқланди. Шу таянчда институт янги изланишларни йўлга қўйди: минераллашув жараёни индикаторлари, чуқур яширинган конларни аниқлаш мезонлари, геодинамик моделларни аниқлаштириш бўйича қўшма ишлар йўлга қўйилди.

— Аввало, ушбу анжуман нафақат илмий мулоқот майдони, балки геология фанининг янги босқичдаги вазифаларини амалий ечимлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилувчи халқаро платформадир. Ҳозир Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт, саноатлашув ва инфратузилма лойиҳалари кенгайиши минерал-хомашё базасининг илмий асосда бойитилишини талаб қилмоқда. Шу нуқтан назардан конференциянинг долзарблиги бир неча жиҳатларда намоён бўлади, — дейди Геология ва геофизика институти директори, геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори Нурбек Инатов. — Биринчидан, илмий мерос ва замонавий технологиялар интеграцияси — академиклар И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов илмий мактаблари бугунги геология соҳасида инновацион ёндашувлар учун мустаҳкам методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг петрология, металлогения, математик таҳлил ва прогнозлаш бўйича ишлари ҳозир рақамли геология, геонформатика ва сунъий интеллект асосидаги тадқиқотларга бевосита замин яратмоқда. Иккинчидан, конференция ресурс хавфсизлиги ва иқтисодий мустақиллик масалаларига қаратилган. Бугунги глобал шароитда фойдала қазилмаларни излаш, баҳолаш ва қайта ишлаш стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу боис, анжуманда янги конларни аниқлаш, чуқур структуравий қатламларни ўрганиш, геологик ва геохимёвий таҳлилларни рақамлаш

тезкор ишлаб чиқаришга татиқ этиш йўллари таҳлил қилинди. Тадбир илмий мерос ва замонавий йўналишлар ўртасида узвийликни мустаҳкамлади. И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов яратган мактаблар — петрометаллогения, математик ва статистик геология, моделлаштириш ёндашувлари бугунги рақамли геология ҳамда геонформатика учун методологик асос бўлиб хизмат қилаётгани яна бир бор тасдиқланди. Шу таянчда институт янги изланишларни йўлга қўйди: минераллашув жараёни индикаторлари, чуқур яширинган конларни аниқлаш мезонлари, геодинамик моделларни аниқлаштириш бўйича қўшма ишлар йўлга қўйилди.

— Аввало, ушбу анжуман нафақат илмий мулоқот майдони, балки геология фанининг янги босқичдаги вазифаларини амалий ечимлар билан уйғунлаштиришга хизмат қилувчи халқаро платформадир. Ҳозир Ўзбекистонда иқтисодий тараққиёт, саноатлашув ва инфратузилма лойиҳалари кенгайиши минерал-хомашё базасининг илмий асосда бойитилишини талаб қилмоқда. Шу нуқтан назардан конференциянинг долзарблиги бир неча жиҳатларда намоён бўлади, — дейди Геология ва геофизика институти директори, геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори Нурбек Инатов. — Биринчидан, илмий мерос ва замонавий технологиялар интеграцияси — академиклар И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов илмий мактаблари бугунги геология соҳасида инновацион ёндашувлар учун мустаҳкам методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг петрология, металлогения, математик таҳлил ва прогнозлаш бўйича ишлари ҳозир рақамли геология, геонформатика ва сунъий интеллект асосидаги тадқиқотларга бевосита замин яратмоқда. Иккинчидан, конференция ресурс хавфсизлиги ва иқтисодий мустақиллик масалаларига қаратилган. Бугунги глобал шароитда фойдала қазилмаларни излаш, баҳолаш ва қайта ишлаш стратегик аҳамият касб этмоқда. Шу боис, анжуманда янги конларни аниқлаш, чуқур структуравий қатламларни ўрганиш, геологик ва геохимёвий таҳлилларни рақамлаш

тезкор ишлаб чиқаришга татиқ этиш йўллари таҳлил қилинди. Тадбир илмий мерос ва замонавий йўналишлар ўртасида узвийликни мустаҳкамлади. И.Ҳамроев ва Ф.Усмонов яратган мактаблар — петрометаллогения, математик ва статистик геология, моделлаштириш ёндашувлари бугунги рақамли геология ҳамда геонформатика учун методологик асос бўлиб хизмат қилаётгани яна бир бор тасдиқланди. Шу таянчда институт янги изланишларни йўлга қўйди: минераллашув жараёни индикаторлари, чуқур яширинган конларни аниқлаш мезонлари, геодинамик моделларни аниқлаштириш бўйича қўшма ишлар йўлга қўйилди.

тириш каби масалаларга устувор эътибор қаратилди. Анжуманининг амалий аҳамияти янги конларни очишда илмий ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татиқ этишдир. Республикамызда Мурунтов, Гузаксой, Чормитан, Қалмоққир, Учқулоқ каби йирик объектлар ҳам айнан илмий асосланган изланишлар натижасида очилган ва бугун янги истиқболли майдонлар бўйича яна шундай изланишларга эҳтиёж катта.

Иштирокчилар тарқиб тажриба алмашувига қулай шароит яратди: МДҲ, Осиё ва Европанинг илмий марказлари, университетлар ва таҳлил лабораториялари билан доимий алоқалар йўлга қўйилди. Натижада эталон намуналарнинг рақамли муқобилларини яратиш, Ўзбекистон тоғ жинслари миллий атласи устида ишлаш, мутлақ ёшни аниқлаш методикаларини алмаштириш, қўшма лаборатория таҳлиллари ва экспедициялар бўйича келишувлар шаклланди. Бу йўналишлар институтнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаб, методик бирлиكنи таъминлайди ва таҳлил натижалари солиштирилувчанлигини оширади.

Халқаро ҳамкорлик ва интеграция сиёсати

Геология ва геофизика институти халқаро илмий ҳамжамият билан фаол интеграция жараёнини йўлга қўйган. Бу сиёсат институт фаолиятининг илмий салоҳиятини ошириш, натижаларни жаҳон стандартларига яқинлаштириш ва замонавий методларни татиқ этиш имконини бермоқда. Сўнгги йилларда тузилган ҳамкорлик шартномалари, қўшма экспедициялар ва илмий марказлар билан алоқалар бу йўналишда муҳим бурилиш ясади.

Институтнинг халқаро тармоғи кенгайиб бормоқда. Хитой Геология фанлари университети, Россия Фанлар академияси, Қозогистон, Тожикистон, Беларусь, Озарбайжон ва Туркия илмий марказлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу алоқалар доирасида дала тадқиқотлари, лаборатория таҳлиллари ва илмий семинарлар ўтказилмоқда.

МДҲ давлатлари билан ҳамкорлик янги босқичга чиққан. Институт ташаббуси билан Остона шаҳрида ўтган ҳўкуматлараро кенгаш сессиясида муҳим масалалар муҳокама қилинди. Шулардан энг асосийлари тоғ жинсларининг эталон намуналари бўйича рақамли муқобиллар яратиш, Ўзбекистон тоғ жинслари миллий атласини тайёрлаш, қўшма лабораторияларни ривожлантириш ва мутлақ ёшни аниқлаш бўйича услубларни бирлаштиришдир. Бундай ёндашув халқаро методик бирлиكنи мустаҳкамлаб, илмий таҳлиллар аниқлигини оширади.

Муассасанинг халқаро грант дастурларидаги иштироки ҳам фаоллашган. Ривожланган давлатлар ва халқаро илмий фондлар билан тузилган ҳамкорлик шартномалари доирасида геофизика, геохимё, петрология, космогеология ва геонформатика йўналишларида лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу ташаббуслар орқали институт моддий-техник базаси янгиланмоқда, янги лаборатория ускуналари келтирилмоқда, илмий натижалар очик маълумотлар тизимига киритилмоқда.

Қадрлар алмашинуви тизими халқаро интеграциянинг энг самарали қисми бўлиб қолмоқда. Институт олимлари ва ёш мутахассислари хорижий илмий марказларда стажировка ўтамоқда, янги таҳлил методларини ўрганмоқда. Шу билан бирга, хорижий экспертлар институт лабораторияларида қўшма тадқиқотлар ўтказмоқда. Ёш геологлар учун халқаро докторантура ва магистратура дастурлари очилган, малака ошириш курслари мунтазам йўлга қўйилган. Шу йўл билан Геология ва геофизика институти илм-фан натижаларини амалий натижага айлантириш, ресурс сиёсатини далилларга таяниб юритиш ва Ўзбекистонни илмий жиҳатдан барқарор ривожланиш босқичига олиб чиқиш йўлида ишончли платформа яратмоқда.

Аслиддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ЎЗИ БИЗНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЯПТИ

Ифтихор

Биз, ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг энг бахтиёр фарзандларимиз, десак хато бўлмайди. Негаки тинч ва фаровон юрtdа илм олишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Аиникса, тил ўрганиш борасида бизга ҳеч қайси давр ёшларида бўлмаган имтиёзлар бериляпти. Бунинг самараси ўларок, жуда қўлпаб тенгдошларимиз бир неча тил билиш сертификатлари, халқаро миқёсдаги ютуқларга эга бўлмоқда. Фан олимпиадалари, спорт мусобақалари бўйича билими, иқтидори, салоҳиятини глобал майдонда муносиб намоийш этаётган йигит-қизларимиз сафи ортиб бораётгани қувонарли.

Жумладан, менга ҳам инглиз, рус ва корейс тилларини мукаммал билишим, рақамли соҳага астойдил қизиқишим халқаро ҳамкорлик ва маданий алмашинув жараёнларида фаол иштирок этишда муҳим омил бўлляпти. 5 мингдан ортқ ариза келиб тушган бу йилги “Рақамли авлод қизлари” танловида 120 та стартап гоя саралаб олинди.



Севинч МАВЛОНОВА,
“Янги Ўзбекистон”
университети талабаси

Бу стартаплар муаллифлари “Ренессанс” оромгоҳида бир ҳафталик махсус семинар-тренингларда ўқидик. Энг яхши 6 та стартап лойиҳа эгаси эса АҚШга таълим саёҳатига йўланма олди. Бизга берилган имкониятлардан фойдаланиб, АҚШдек ривожланган давлатга 10 кунлик саёҳатга бориб келганлар орасида эканимдан жуда хурсанд бўлдим. Бу бизга жуда катта кўтаринкилик берди. Ушбу давлатнинг ёшлар орзу қилган нуфузли олийгоҳларига бориб семинарлар ташкил этдик. Кучли ҳаяжон бўлди.

Мактаб ўқувчилари учун яратган инновацион рақамли платформамиз бизга шундай муваффақиятлар келтирди.

Платформани ўқувчилар сунъий интеллект билан мактабдаги фанларни чуқурроқ, самаралироқ ўзлаштириши учун яратдик. Яъни ўқувчи шунчаки дарслиқдан билим ўрганиб қолмайди. Ҳар бир фаннинг ичинчаги кириб боради. Видеоконтентда ҳаммаси очик-ойдин кўрсатилади. Қолаверса, ҳар бир мавзу юзасидан тест саволлари бор. Ўқувчи ҳар битта дарсни қандай ўзлаштирганини шу тест жавобларидан



билиб олиш мумкин. Сунъий интеллект унинг қаерда хато қилганини аниқлаб, бошқа тест тузиб беради. Энг муҳими, ҳамма бир хил ўқитилмайди. Ўқувчига нимани билиши ёки билмаслигидан келиб чиқиб билим берилади. Қисқача айтганда, бундай платформалар қулай, замонавий ва миллий руҳдаги рақамли восита бўлиб қолади. Шунингдек, улар нафақат технологик, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга.

Энг яхши 6 та стартап лойиҳа эгаси эса АҚШга таълим саёҳатига йўланма олди. Бизга берилган имкониятлардан фойдаланиб, АҚШдек ривожланган давлатга 10 кунлик саёҳатга бориб келганлар орасида эканимдан жуда хурсанд бўлдим. Бу бизга жуда катта кўтаринкилик берди. Ушбу давлатнинг ёшлар орзу қилган нуфузли олийгоҳларига бориб семинарлар ташкил этдик. Кучли ҳаяжон бўлди.

Улар ёрдамида ёш авлод эркин, ўз тилида мулоқот қиладиган рақамли муҳитга эга бўлади.

Стартапларимизнинг халқаро танловларда ҳам эътироф этилаётгани бизни янада баландроқ марраларга ундаляпти. Нуфузли университетларнинг обрўли профессорлари лойиҳаларимизга катта қизиқиш билдирди. Жорий йил Ёшлар кунида давлатимиз раҳбарига ҳам лойиҳамизни намоийш этганимызда “Технологияларнинг ортиндан янгилликлар қидираётган қизларим борлигидан фахрланаман”, деди. Президентимизнинг ўзи бизни қўллаб-қувватляпти. Бундан бениҳоя руҳланамиз.

Бугун сунъий интеллект ҳаётимызда муҳим ўрин эгалляпти. Рақамлаштириш орқали аксарият ишларимиз енгиллашмоқда. Рақамли соҳада қизларимиз фаол

лиги ортаётгани аини мурдао. Чунки шу пайтгача рақамли йўналишда қизлар улуши жуда кам бўлган. Эндиликда биз, рақамли авлод қизлари мамлакатимиз ёшларининг ақлий салоҳиятини дунё миқёсда кенг ёйиб, Президентимиз ишончини муносиб оқлашга ҳаракат қиламиз. Шунинг учун ҳам АҚШнинг 10 та нуфузли университетида (дунёнинг ТОП-100 талигига кйрувчи олийгоҳлар) қабул қилиниб, жами 260 минг АҚШ долларлик грантларни қўлга қиритган бўлсам-да, “Янги Ўзбекистон” университетида ўқишга қарор қилганман ва бундан ҳеч қачон афсусланмайман. Бу ерда биз учун ҳозирланган энг замонавий шароитларга жавобан яна қўлпаб янги ва қулай платформалар яратиб, минг-минглаб ёшларимизга тақдим этиш мақсадидамыз.

